

ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита “Истеъмолчи” вакилини хоҳишига кўра “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари “Маҳсулот етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёнилғи тарқатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишночномасига мувофиқ маҳсулотни ёки тарқатиш шахобчасидан олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёнилғи тарқатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юритади. “Истеъмолчи” вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортида етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги “Нефт, газ конденсати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодиғий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи “Маҳсулот етказиб берувчи” шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан “Истеъмолчи”га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот қўйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қўйишга қиритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик “Истеъмолчи” зиммасига, маҳсулот махсус автотранспортида ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (“Истеъмолчи”нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефт база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш “Истеъмолчи”нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9. “Маҳсулот етказиб берувчи” нефт маҳсулотлари таъминотининг узилишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

2.10. “Истеъмолчи” томонидан унинг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ.

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб–китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб–китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

3.2. “Истеъмолчи” олаётган нефт маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан камида 5 кун олдин 100% миқдорида “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг ҳисоб–рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. “Маҳсулот етказиб берувчи” нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”га ўтган чоракдаги биржа савдолари натижаларига кўра шакллланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклландиган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини “Маҳсулот етказиб берувчи” таъмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а) “Маҳсулот етказиб берувчи” нефт базасидан “Истеъмолчи” вакилининг нефть маҳсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;